

«Бир ҳақиқатга амин бўлдики, Ҳамид ака билан бирга ишлаган хоҳ оддий ходим, хоҳ раҳбар бўлсин, у кишини, авваламбор, устоз сифатида эътироф этишаркан.»



Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz

xabar@uzpak.uz

orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqq boshlagan

2005-yil, 18-fevral, 7 (648)-son

Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 16 феврал куни Оксаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Димитрий Рупелни қабул қилди.**

◆ **Матбуотда "Коммунал хизматлар тарифларининг асосиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги, шунингдек, "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари эълон қилинди.**

◆ **Ўзбекистон ва Белгия муносабатлари тарихида эътиборга молик воқеа рўй берди — Самарқанд ва Ўзбекистон шаҳарлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.**

◆ **Республика Биржа марказида мамлакатда депозитарий фаолиятининг ўтган йил якунлари ҳамда 2005 йилдаги вазифаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раиси М.Асқаров, Республика қимматли қозғолар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори М.Юнусматов, депозитарийларнинг барча минтақалардан келган раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этдилар.**

◆ **Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасида "Сихат-саломатлик йили" Давлат дастурининг ижросига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**

Уюшма раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Т.Қайилбергенов бошқарган мазкур йиғилишда ёш авлодни маънавий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашда адабиётнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш кераклиги уқтирилди.

МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда барча соҳалар каби алоқа ва ахборотлаштириш тизимини шакллантириш, уни замон нафасининг ёрқин ифодачиси айлантириш бўйича собит қадамлар қўйилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори юртимизда бу тизимнинг кенг истиқболларини белгилаб берди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Наманган вилояти Худудий бошқармаси бошлиғи Шамсиддин ТОШТЕМИРОВ билан куйидаги сўбат айнан шу мавзуда.

— **Шамсиддин ака, бошқарманинг асосий вазифалари ҳақида гапириб берсангиз?**

— Маълумки, бутун дунёда алоқа соҳаси, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет, компютер тармоқлари жадаллик билан ривожланмоқда.

Бошқармаимизнинг биринчи галдаги вазифаси вилоят ҳокимлиги ва бошқарув органлари билан ҳамкорликда алоқа ва ахборотлаштиришни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг амалга оширилишини

таъминлашдир. Айни пайтда вилоятимизда алоқа ва ахборотлаштиришни ривожлантириш дастурининг ижросини таъминлаш, радиочастота спектрдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ахборот ва почта хавфсизлиги талаблари бажарилишини таҳлил қилиш, телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун жойлардаги лицензиялар олишга талабдорлардан ҳужжатларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш, шунингдек, Ўзбекистон алоқа ва ахбо-

ротлаштириш агентлиги томонидан расмийлаштирилган лицензиялар ва бошқа ҳужжатларни бериш, почта, телекоммуникация, маълумотларни узатиш, телерадиозшиштириш ва ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини ҳамда алоқа объектлари ва корхоналари кўриқлинишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш сингари муҳим юмушлар билан шуғулланяпмиз.

(Давоми 2-бетда.)

Маънавий - маърифий тадбир

Жорий йилнинг 15 феврал куни "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятида Республикаимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда "Сихат-саломатлик йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳиятига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда таниқли сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази бўлим мудири Акром Акмалов иштирок этди.

Тадбирни "Ўзбекистон почтаси" АЖ бош директори Р.Зиқиров кириш сўзи билан очиб, Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги

маърузаси ва бу борада соҳада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида фикр юритди. Шундан сўнг Қобилбек Каримбеков йиғилганларга давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу — қонунийлик ҳокимияти бўлмиш Парламентнинг роли ва таъсирини кучайтиришда ҳокимиятнинг қонунийлик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб, барқарор мувозанатга эришишдан иборат эканлигини, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида

узқоқни кўзланган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг моҳиятини тўлақонли тушунтирди. Шунингдек, XXI аср вабоси бўлган халқаро терроризм, экстремизм ва шу каби иллатларга қарши жаҳон ҳамжамиятининг муросасиз курашини шарҳлаб берди ва дунёда юз бераётган бошқа долзарб воқеалар ҳақида тўхтади.

Йиғилишда сўзга чиққан А.Акмалов эса "Сихат-саломатлик йили" Давлат дастурининг асосий мақсади — мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва маънавий етук ёш авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришдан иборатлиги борасида атрофчила тўхталиб ўтди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Рустам БОБОЛОВ,
"Ўзбекистон почтаси" АЖ мутахассиси

АНЖУМАНЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Қашқадарё вилояти алоқа корхоналарида жамоа шартномаларининг 2004 йилда бажарилиш якунларига бағишланган анжуманлар бўлиб ўтди.

Анжуманларда "Қашқадарё Телеком" филиали, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали, "ЎИ-Қарши" филиали ва "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ раҳбарлари — Х.Қурбонов, С.Ҳафизов, Ж.Бозоров, Т.Очилов ҳамда вилоят алоқа ходимлари билгашган касба уюшмаси қўмитаси раиси Қ.Каримов ва "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ касба уюшмаси қўмитаси раиси Г.Ҳамроеваларнинг ҳисоботлари тингланди. Маърузачилар ўтган йили жамоа шартномалари бандларининг бажарилиши, ютуқ ва камчиликлар хусусида сўз юритишди.

Йиғилишларда қатнашчилар жамоа шартномалари ижроси бўйича ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришда ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рабно ҚИЛИЧЕВА
Қашқадарё вилояти

Яқинда "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиалининг Чирчиқ шаҳар почта алоқа тармоғида муборак 66 ёшни қаршилаётган устоз-раҳбар Ҳамид Мадаминовни тантанали равишда нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон почтаси" АЖ, Тошкент вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ва Тошкент филиали раҳбарияти вакиллари, Ҳамид ақанинг дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари иштирок этди.

SOHAMIZ FAXRIYLARI



Ҳавас қилса арзийдиган умр

Ҳамид Мадаминов Андижон вилоятининг Асака туманида туғилиб, воёга етган. Меҳнат фаолиятини электрчилангарликдан бошлаган. 1959 йили олий маълумот олиш мақсадида Тошкентга йўл олганида, бундан кейин алоқа соҳаси умрининг ажралмас қисмига айланишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Эндигина Тошкент политехника институтини энергетика факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирганида, уни йўлланма билан Чирчиқ шаҳрига юборишди. У кундузлари "Ўзэлектромонтаж" корхонасида электромонтёр бўлиб ишлаш билан бирга институтнинг Чирчиқдаги филиали кечки бўлимида ўқишни давом эттирди. Чирчиқ энди ўз уйи бўлиб қолганди. Бу ернинг одамлари у кишини яхши танишар, ҳурмат қилишар эди.

1976 йили турли масъулиятли вазифаларда ишлаб тажриба орттирган, ҳаёт синовларида чиниққан Ҳамид ака Чирчиқ шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш тармоғи бошлиғи этиб тайинланди. Унинг раҳбарлиги остида корхона пешқадамлар сафидан жой олди.

Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг бошқа соҳаларда бўлгани каби алоқа соҳасида ҳам бозор мубоабатларига ўтила бошлагани натижасида тизимдаги қўллаб қорхона ва ташкилотлар қайта ташкил этилди. Бир оз Тошкент вилояти алоқа тизимида раҳбарлик лавозимларида ишлаган Ҳ.Мадаминов 1992 йили Чирчиққа, алоҳида тармоқ сифатида шаклланди.

ган Шаҳар почта алоқаси корхонасига қайтди.

Чирчиқ шаҳар почта алоқа тармоғи Тошкент вилоятидаги энг йирик алоқа корхоналаридан ҳисобланади. Катта ҳаётий тажрибага эга Ҳамид Мадаминов турли миллат вакилларидан иборат 130дан зиёд ходим фаолият юритаётган мазкур жамоани охириги ўн уч йил мобайнида оқилона бошқариб келди. Ушбу давр ичида корхона иш кўламининг кенглиги ва даромадгирлиги жиҳатидан ҳатто республикамизнинг баъзи вилоятлари билан беллаша оладиган даражага эришди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан "Ўзбекистон почтаси" АЖ бош директори ўринбосари Хатир Тожибоева, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали директори Зоҳид Қосимов, Тошкент вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Юнус Фофуровлар Ҳамид Мадаминовнинг Чирчиқ ва Тошкент вилояти почта алоқаси тараққиётига қўшган ҳиссаси, жонқуяр мураббий, етук алоқачи сифатида амалга оширган ишларига тўхталиб ўтишди. Унга "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг "Фахрий ёрлиғи", раҳбарият ва касбдошларининг эсдалик совғалари топширилди. Шу кунни Ҳамид ака шайнига энг самимий тилаклар, таърифу тавсифлар йўлланди.

— Ҳамид ақани 1975 йилдан буён танийман, — дейди Ҳазалкент почта алоқаси тармоғи бошлиғи Алибой Рашидов. — Бир неча йиллар бирга ишлаганимиз.

У кишини ўз касбининг жонқуяри, етук мутахассис, мураббий сифатида ҳурмат қиламан. Шаҳсан менинг шу касбага меҳр қўйиб, камол топишимда бу инсоннинг ҳиссаси катта бўлгани, бу ҳақда ҳар қанча гапирсам ҳам оз.

Бир ҳақиқатга амин бўлдимки, Ҳамид ака билан бирга ишлаган хоҳ оддий ходим, хоҳ раҳбар бўлсин, у кишини, авваламбор, устоз сифатида эътироф этишаркан. Дарҳақиқат, бу инсон турли корхона ва ташкилотларда фаолият юритган чоғларида жуда қўллаб ёшларнинг иш билан ташминлишига, оёққа туриб кетишларига ёрдам берган экан.

Ватан остонадан, оиладан бошланади. Инсоннинг камол топишида, эл-юртга муносиб фарзанд бўлиб шаклланишида оиланинг тутган ўрнини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган. Ҳамид ака халқимизнинг ана шу муқаддас анъанасига амал қилиб, кам бўлмади. Турмуш ўртоғи, Чирчиқ шаҳридаги 26-ўрта мактаб директори Ойиста опа билан тўрт ўғилни эл-юрт хизматига камарбаста инсонлар қилиб тарбиялашди.

Ҳамид ака салкам ўттиз йил алоқа соҳасида ишлади. Ўтган умрига ачинмайди. Зеро, шу йиллар давомида аҳил жамоаси билан минглаб одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилди. Шогирдлари, фарзандлари эса унинг юзини ерга қаратишмади. Шунинг учун ҳам у ҳавас қилгудек умр йўли билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" муҳбири

ФОТО ЛАВНА

"ЎЗИ-Қарши" филиалининг кейинги йилларда сифатли хизмат кўрсатиш борасидаги амалга оширган ишларидан қаршилиқлар хурсанд. Биргина ўтган йилнинг ўзиде шаҳарда 2301та телефон ўрнатилди. Уларнинг 1891таси хонадонларга, 410таси эса ташкилотларга уланган.

Қарши шаҳри марказидаги Интернет-кафе хизматида ҳам барча мамнун. Кафе менежери Зафар Эрназаровнинг саяб-ҳаракати туфайли айни пайтда мижозларга ўндан зиёд турдаги хизмат кўрсатиляпти.

Суратларда:

1. "Алкател" S-12 станцияси муҳандиси Марина КАВЫЛСКАЯ ўз ишининг устаси сифатида ном қозонган.
2. Интернет-кафе доимо мижозлар билан гавжум.

Баҳром МУРОДОВ
олган суратлар

АЛОҚА ОЛАМИДА

MOTOROLA ТЕЛЕФОНЛАРИ — ЭНГ АРЗОН

Кани (Франция)да очилган 3GSM халқаро конгрессиде АҚШнинг Motorola компанияси Emerging Market Handset (EMH) дастурида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритгани маълум қилинди. Жаҳоннинг илғор уяли алоқа компаниялари ва телекоммуникация воситалари ишлаб чиқарувчиларини бирлаштирган йирик халқаро уюшма — GSM Association ушбу дастур таъсисчиси ҳисобланади.

Motorola дастур доирасида ривожланган мамлакатларга энг арзон мобил телефонларни етказиб беради. Бунга 2005 йилнинг иккинчи чорагидан киришляди, битта телефоннинг улгуржи нархи 40 АҚШ долларидан ошмайди. Компания, шунингдек, ривожланган мамлакатлар учун уяли телефоннинг 30 долларга тенг қийматдаги янги нусхасини яраттишга ҳам киришляди. Motorola олти ой ичида олти миллион донда телефон апарати сотишни мўлжаллаган.

Дастур ташкилотчилари янги йўналиш ривожланиши натижасида уяли алоқа операторлари миқозлари йилга 100 миллион кишига кўпайиб боради, деб ҳисоблашмоқда.

Emerging Market Handset лойиҳасида GSM стандартида хизмат кўрсатувчи ўн саккизта уяли алоқа операторлари қатнашмоқда. Улар орасида Ҳиндистоннинг Bharti, Таиланднинг AIS, Филиппиннинг Globe Telecom ҳамда Мисрнинг Orascom компаниялари ҳам бор.

GSM Associationдан олинган маълумотларга кўра, тахминан уч миллиард киши уяли телефондан фойдаланиш мумкин бўлган ҳудудда яшайди, бироқ бу апаратларнинг қимматлиги уларнинг мобил алоқадан фойдаланиш имкониятларини чекляйди.

Ҳозирга қадар арзон телефон апаратлари асосан Nokia ва Siemens компаниялари томонидан ишлаб чиқариларди. Тахлилчиларнинг баҳолашларига, Motorolaнинг нарх борасидаги сиёсати шундоқ ҳам қатъий бўлиб турган рақобат бозорини янада кескинлаштиради ва баъзи рақобатчи компанияларни бизнеснинг бу йўналишини тарқ этишга мажбур қилиши мумкин.

КОМПЮТЕР КЎЗНИ РАВШАНЛАШТИРАДИМИ?

Испанияда жойлашган Халқаро оптометрик марказ раҳбари Марисол Гарсия

Рубио видеоўйинлар барча қондаларга риоя қилиб ўйналса, кўриш қобилиятини яхшилаши ва кўзни зўриқишларга бардошли қилиши мумкин, деб ҳисобляйди. Бундан ташқари, унинг фикрича, компьютер ва видеоўйинлар болаларнинг улғайишини ҳам тезлаштирар экан.

— Бола улғайгани сари компьютерда кўпроқ ўйнаши мумкин, — дейди Гарсия Рубио. — Болалар компьютер олдида бир соат ўтирганидан сўнг ўн дақиқа танаффус қилишлари шарт, шундан сўнг фақат ярим соат ўйнаш етарли.

Монитор экрани билан бола оралиғи 30-40 см.дан кам бўлмашлиғи лозим. Компютер ёки видеоўйинни ётиб олиб ўйнаш қатъян тақиқланади. Агар бунга риоя қилинмаса, кўзлар толиқиши, умумий дармонсизланиш, бош оғриги ва бошқа салбий оқибатлар келиб чиқяди.



НОУТБУК АФЗАЛРОҚ

Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, портатив компютер (ноутбук)ларга бўлган талаб сезиларли равишда ошиб бормоқда. Масалан, 2004 йилда сотилган ноутбуклар сони 2003 йилдагидан 24 фоиз кўп бўлди.

Шахсий компютерлар борасида эса бунинг аксини айтиш мумкин. Current Analysis тадқиқотлар компанияси ўтган йили шахсий компютерлар савдоси ҳажми қутилганидан 7 фоиз кам бўлганини қайд этган.

Ноутбуклар сотиш кўрсаткичи 2001 — 2004 йиллар мобайнида икки баравар ошганди. Ушбу суръат 2008 йилга қадар сақланиб қолиши қутилмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



Новые условия получения лицензий в области телерадиовещания

Узбекское агентство связи и информатизации сообщает об изменении порядка получения лицензий на осуществление деятельности в области телерадиовещания.

Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 декабря 2004 года № 592 «О мерах по обеспечению эффективного использования радиочастотного спектра в области телерадиовещания» определены новые условия получения лицензий на осуществление деятельности в области телерадиовещания, которым:

установлено, что с 1 февраля 2005 г. распределение радиочастот и выдача индивидуальных лицензий на право деятельности в области распространения (трансляции) телевизионных и радиопередач осуществляется на конкурсной основе;

определено, что: организация и проведение конкурсов на распределение радиочастот и выдачу индивидуальных лицензий в области телерадиовещания возложена на Межведомственную координационную комиссию по совершенствованию и повышению эффективности информационной деятельности и передачи данных;

к участию в конкурсе допускаются юридические лица, зарегистрированные в установленном порядке на территории Республики Узбекистан, учредительными документами которых предусмотрена деятельность в области средств массовой информации;

хозяйствующие субъекты, осуществляющие деятельность в области распространения (трансляции) телевизионных и радиопередач на основании лицензий, выданных до выхода настоящего постановления, по истечении срока указанных лицензий будут участвовать в конкурсе на общих основаниях;

информационное сообщение о проведении и итогах конкурса на присвоение радиочастот в области телерадиовещания будет публиковаться в сред-



ствах массовой информации.

При этом установлено, что предприятия, основной деятельностью которых является формирование и распространение (трансляция) государственных телевизионных и радиопрограмм, или в уставном фонде которых государственная доля собственности составляет не менее 50 процентов, присвоение радиочастот и выдача индивидуальной лицензии на право деятельности в области телерадиовещания будет осуществляться на внеконкурсной основе.

Постановлением также у-

тверждено «Положение о порядке конкурсного распределения радиочастот и выдачи индивидуальных лицензий в области телерадиовещания».

Дополнительную информацию можно получить по телефонам:

Межведомственная координационная комиссия по совершенствованию и повышению эффективности информационной деятельности и передачи данных - 139-46-13, 139-84-57.

Отдел лицензирования и стандартизации УзАСИ - 138-41-37, 138-41-85, 138-41-39

Узбекское агентство связи и информатизации сообщает также:

в соответствии с пунктом 12 постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30.12.2004 г. № 610 «О параметрах государственного бюджета Республики Узбекистан на 2005 год», приложением к нему №25, а также приказом Узбекского агентства связи и информатизации от 2 февраля 2005 года №27 с 1 января 2005 г. деятельность по оказанию услуг сетей распространения (трансляции) телепередач - ретрансляции телерадиопрограмм по кабельной сети, а также по эксплуатации сети телекоммуникаций и оказанию услуг телекоммуникаций осуществляется исключительно субъектами предпринимательства, имеющими статус юридического лица.

Индивидуальным предпринимателям, осуществляющим данную деятельность и изъявившим желание и далее осуществлять этот вид деятельности с образованием юридического лица, необходимо до 1 апреля текущего года пройти перерегистрацию и получить соответствующую лицензию в установленном порядке.

НОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

В Корее разработана электронная кожа

Ученые Корейского института современной техники и технологии KAIST создали осязательный чувствительный элемент, который функционирует абсолютно так же, как и кожа, сообщает The Korea Times. Размеры созданного элемента составляют 22 кв.мм, а расстояние между составляющими волокнами не превышает 1 мм. Материалом для создания этого чувствительного элемента послужил искусственный каучук.

Ранее ученые также создавали подобные чувствительные элементы, однако этот отличается высокой пространственной разрешающей способностью, гибкостью и мягкостью. В прошлом году специалистами Токийского университета был разработан тактильный сенсор с разрешающей способностью 2 мм.

Официально результаты изобретения будут представлены южнокорейскими учеными на международной выставке микророботоники, которая пройдет в Майами. Ожидается, что данная разработка найдет применение в качестве покрытия для существующих ныне роботов-гуманоидов.

RFID в Китае - пора раздумий

Во всем мире технология RFID "набирает обороты", проникая в самые разные сферы экономики. А вот в Китае пока идет процесс выбора частоты, на которой будут работать эти устройства. Один из главных энтузиастов продвижения новой технологии в Китае Чжан Чжэнхай (Zhang Chenghai), исполнительный директор Китайского центра нумерации (Article Numbering Center of China, ANCC), отметил, что дело с выбором стандарта для RFID в Китае продвигается, но вряд ли процесс завершится в 2005 г.

Технология RFID подразумевает, что во всех странах частоты, на которых передаются радиометки, будут одинаковыми, тогда помеченные предметы будут распознаваться во всех странах. Международная организация по стандартам (International Standardization Organization, ISO) предлагает использовать для этой цели полосу частот между 860 и 960 МГц.

США, Европа, Япония и Южная Корея уже выделили частоты для этой цели, но Китай еще не принял окончательного решения, поскольку в этой же полосе работают в Китае мобильные сети и радиоканалы и может произойти нежелательная интерференция, что беспокоит китайское правительство.

Кардиостимулятор отправляет SMS

Кардиологи из университетского медицинского центра Амстердама (VU University Medical Center) призвали на помощь в лечении заболеваний сердца мобильные технологии. Они придумали новый тип электрокардиостимуляторов, которые могут отправлять SMS-сообщения.

Новый кардиостимулятор — вещь уникальная, поскольку благодаря встроенному передатчику он может высылать врачу SMS-уведомления о сбоях в работе сердца пациента. Вот уж действительно, вовремя приходящие SMS могут быть вопросом жизни и смерти. SMS-сообщение автоматически отправляется на номер мобильного телефона лечащего кардиолога и в специальное отделение больницы. Через Интернет там могут провести мониторинг работы сердца и решить, насколько серьезен сбой и требуется ли экстренная медицинская помощь.

Первый SMS-кардиостимулятор был успешно имплантирован доктором Де Коком в медицинском центре Амстердама. Ход операции транслировался в прямом эфире.

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

Мобильник со считывателем отпечатков пальцев

Ведущий китайский производитель мобильных телефонов Bird разработал первый в стране сотовый аппарат с проверкой отпечатков пальцев, сообщает Xinhua. Компания Bird входит в десятку мировых производителей сотовых трубок, согласно данным IC Insights. Bird купила технологию проверки отпечатков пальцев у Китайской Академии Наук (Chinese Academy of Sciences Institute of Automation).

Данная технология предусматривает, что пользователь сможет активизировать меню телефона, прикоснувшись к дисплею мобильного.

Подобные мобильники, по словам создателей, могут быть полезны в банковской сфере и коммерции, где совершаются интернет-операции. Новой технологией будут оборудованы несколько моделей компании под маркой Doreayu.

Мобильник для собак

Канадская компания Pets Mobility разработала мобильный телефон для собак, сообщает CNN. Устройство, названное PetCell имеет размеры 12,5 см на 7,8 см и визуально напоминает кость, которая крепится к ошейнику собаки. Для того чтобы связаться со своей собакой, владельцу необходимо лишь набрать номер и после одного звонка произойдет автоматическое соединение с питомцем. PetCell является полноценным мобильным телефоном, поскольку, не только собака может слышать голос своего хозяина, но и хозяин имеет возможность услышать голос своего четвероногого друга.

Ожидается, что уже в течение полугода мобильные телефоны для собак появятся на прилавках магазинов на территории США и Великобритании. А цена за такое устройство составит \$188.

Список аффилированных лиц ЗАО «O'ZIMPEKSALOGA» по состоянию на 14.02.2005 г.

№	ФИО аффилированного лица	Местонахождение и ИНН аффилированного лица	Кол-во принадлежащих аффилированному лицу акций	Основание, по которому лицо является аффилированным	Дата наступления основания, по которому лицо является аффилированным
1.	Госкапитал Узбекистан Р.У.	г. Ташкент, ул. Узбекистанская, 55 ИНН 201122696	14 981 (51,0%)	Владение более 20% акций от уставного фонда ЗАО (Гос активы)	04.11.2003 г.
2.	Аскарлов Р. А.	ИНН 401343764		Государственный, член Наблюдательного совета ЗАО	14.02.2005 г.
3.	Жучков А. И.	ИНН 460304576		Председатель Наблюдательного совета ЗАО	15.04.2004 г.
4.	ЧП Агзамов Р. С.	ИНН 444694131	7 456 (25,40%)	Владение более 20% акций от уставного фонда ЗАО	03.10.2003 г.
				Член Наблюдательного совета ЗАО	15.04.2004 г.
5.	Исропов И. И.	ИНН 448386678	100 (0,34%)	Генеральный директор ЗАО	15.04.2004 г.

ТЕЛЕДАСТУРЛАР — 21 — 27 феврал кунлари TV I, TV II, TV III, TV IV, OPT, RTP, HТВ

ДУШАНБА, 21

"Узбекистон" телеканалы TV I

6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.45 "Новиклар сайёра"

"Ешлар" телеканалы TV II

16.55 Курсувлар дастури.
17.00 "Дар" ҳафта ичида.
17.30, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.

СПОРТ телеканалы TV IV

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бардам бўлин". Тонгги дам оғини дастури.

OPT

6.00 Телеканал "Добро утро"
9.00 Новости
9.05 Комедия "История вечной любви"

РTP

3.00 "Добро утро, Россия!"
6.45 "Вести Неделе"

HTB

6.00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ"

СЕШАНБА, 22

"Узбекистон" телеканалы TV I

6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.45 "Новиклар сайёра"

"Ешлар" телеканалы TV II

16.55 Курсувлар дастури.
17.00 "Дар" ҳафта ичида.
17.30, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.

СПОРТ телеканалы TV IV

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бардам бўлин". Тонгги дам оғини дастури.

OPT

6.00 Телеканал "Добро утро"
9.00 Новости
9.05 "Кавалеры Морской звезды"

РTP

3.00 "Добро утро, Россия!"
6.45 "Вести Неделе"

HTB

6.00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ"

ЧОРШАНБА, 23

"Узбекистон" телеканалы TV I

6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.45 "Новиклар сайёра"

"Ешлар" телеканалы TV II

16.55 Курсувлар дастури.
17.00 "Дар" ҳафта ичида.
17.30, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.

СПОРТ телеканалы TV IV

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бардам бўлин". Тонгги дам оғини дастури.

OPT

6.00 Телеканал "Добро утро"
9.00 Новости
9.05 "Кавалеры Морской звезды"

РTP

3.00 "Добро утро, Россия!"
6.45 "Вести Неделе"

HTB

6.00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ"

ПАЙШАНБА, 24

"Узбекистон" телеканалы TV I

6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.45 "Новиклар сайёра"

"Ешлар" телеканалы TV II

16.55 Курсувлар дастури.
17.00 "Дар" ҳафта ичида.
17.30, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.

СПОРТ телеканалы TV IV

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бардам бўлин". Тонгги дам оғини дастури.

OPT

6.00 Телеканал "Добро утро"
9.00 Новости
9.05 "Кавалеры Морской звезды"

РTP

3.00 "Добро утро, Россия!"
6.45 "Вести Неделе"

HTB

6.00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ"

"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ. 21.30 "Хабарлар". 21.45 "Спорт - менинг ҳаётим". 22.00 Премьера. "Ҳақиқат".

Сервал. 23.00 Жаҳон спорти: "Еврофутбол". 00.35 "Тунингиз осада бўлсин!"

OPT

6.00 Телеканал "Доброе утро". 9.00 Новости. 9.05 "Кавалеры Морской войны".

ЖУМА, 25

"Ўзбекистон" телеканалы IV. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". 8.00-8.35 "Абзорот". 8.35 ТВ-анимация. "Болалар сайёраси". 8.40-1. "Болалар спорти".

12.00 Новости. 12.30 Боевик "Марш-бросок". 14.20 "Уголок мелодии". 15.00 Новости (с субтитрами). 15.20 "День рождения Буржуя".

PTP

3:00 "Доброе утро, Россия!". 6:45 Сериял "Тайны следствия-3". 7:45 "Бенито Муссолини".

9:50 Телесериял "Линии судьбы". 10:50 "Что ждет женщин?". 11:45 ВЕСТИ. ДЕКУРНАЯ ЧАСТЬ.

HTB

6:00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ". 9:05 Детектив "ОНА".

НАПИСАЛА УБИЙСТВО: КУДА ТЫ ДЕЛСЯ, МАЛЫШ БИЛИМ!". 10:00 "СЕГОДНЯ". 10:05 "ТАЙНЫ РАЗВЕДКИ".

ДОМИНО". 17:30 Детектив "АДВОКАТ: БОЙ БЕЗ ПРАВИЛ!". 18:35 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ".

ШАНБА, 26

"Ўзбекистон" телеканалы IV. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". 8.00-8.35 "Абзорот". 8.35 ТВ-анимация. "Болалар сайёраси".

ЭЙЛОНЛАР. 19.30 "Абзорот" (рус тилида) 20.00 Оқишлар эртаси. 20.15 FCN "Эртаси эртаси".

12.45 Телевикторина. 12.50 Музика лавалар. 13.15 "Ака-ука Гринч қўлга киритди".

18.30, 20.00, 20.50, 22.15 "Пойтахт" абзорот дастури. 18.50 "Табриклиқимиз қўлга киритди".

OPT

6:00 Новости. 6.10 X/ф "Земля до начала времён". 6.30 Приключенческий фильм "Турбо-рейнджеры".

22.30 "Огтн граммофон". "SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ. 23.40 "Тунингиз осада бўлсин!".

HTB. 6:00 X/ф "ВОЙНА ХАРТА". 8:00 "СЕГОДНЯ". 8:15 Мультифильм "А ВДРУГ ПОЛУЧИТСЯ!".

ЯКШАНБА, 27

"Ўзбекистон" телеканалы IV. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". 8.00-8.35 "Абзорот". 8.35 "Камалат".

21.40 "Қўштинчи Сизга армути". 21.45 "Яқинба кинолаид". 22.00 "Ўзбекистон".

18.45 ТВ - афиша. 18.50 Музика лавалар. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 "Давр".

КАНАЛИ. 10:10 Д. Криковичин "Йўлда ёнган қайларни". 10:30 "Ҳама уйданида".

OPT

6:00 Новости. 6.10 X/ф "Земля до начала времён". 6.30 X/ф "В профиль и анфас".

7:05 "Диалог о животных". 8:00 "Боготу света". 9:00 ВЕСТИ. 10:00 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.

8:40 "ИХ НРАВЫ". 9:25 "ЕДИН ДОМА". 10:00 "СЕГОДНЯ". 10:20 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ".

PTP

3:50 X/ф "Жизнь и смерть". 2-я серия. 5:25 "Космическое хозяйство".

HTB

6:00 Мультифильм "ШАПОКЛЯК". 6:30 Приключенческий фильм "ПРИНЦИПИАЛЬНЫЙ ОСТРОВ".

MUSO TOSHMUHAMMAD OG'LI OYBEK TAVALLUDINING 100 YILLIGIGA

Тошкентдаги муаллимлар билим юртида ўқийётган Ойбек ўзидан бир босқич кейинда таълим олаётган қош-қўзлари популекдекки нозик бир қизга кўнгил куйди.

ий" романини ёзиб тугатган кезлари, Зарифаҳоним олималикка эришди. Ойбек академикликка лойиқ деб топилганда, унинг умр йўлдоши кафедра мудири бўлди. Ёзувчиға Давлат мукототи берилганда, рафиқаси "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" ун-

деган эди Расул Ҳамзатов. Бир умр ўзбек адабиёти ва фанига ҳалол хизмат қилган Ойбек китобхонларга кўнлаб ажойиб асарларини мерос қолдирди. Умрининг охиригача инсти- тутда дарс берган Зарифаҳоним Ойбекдан кейин ҳам кўп ишлар

Икки қалб бир бўлса...



вони билан тақдирланди. Ажойиб романа- лари, жамоат ишлари, депутатлик фаолияти учун адибга орден-ме- даллар топширилгани- да, Зарифаҳоним ўнлаб шоғирдлар эштириди, илмий асарлар ёзди, фарзанд- ларини ўқитиб, оқ қовиб-оқ таради...

Ҳаёт силлиқ кеч- майди, албатта. Улар- нинг ҳам бошига тур- мушнинг аччиқ синов- лари тушди. Ойбек домланинг шухратини кўролмаганлар унга таъна тошларини олди. Шундай тухмат туйғайли ёзувчи айна ижодий камолот дав- риди — 46 ёшидаёқ оғир хасталикка уч- раб, тилдан қолди. Аммо, у ижод қилиш-

нар эди. Ўқишдан сўнг уй иш- ларига ҳам улгурарди. 1930 йили Зарифаҳонимни янги таш- кил этилган Тошкент кишлоқ ҳўжалиги институтига тақлиф қилишади. Ўша йиллари тала- балар ва мактаб ўқитувчилари учун кимёдан ўзбек тилида би- рорта дарслик, ҳатто қўлланма ҳам йўқ эди. Шу боис у олий ўқув юртлари учун "Анорганик кимё" дарслигини ёзди ва "Кимё атамаларининг русча-ўзбекча луғати"ни яратди. Бу орада фар- зандалар туғилди. 1937 йили эса икки ўғилдан сўнг қиз кўришди. Ойбек ўзининг машҳур "Наво-

қилишга улгурди. Жумладан, Ой- бекининг 20 томлик муқаммал асарлар тўпламини нашрга тай- ёрлашда олиму ноширларга жуда катта ёрдам берди. Чунки у адибнинг йирик асарлари қатори мажлис ва учрашувлар- даги нутқлари, барча хатларини эҳтиётлаб олиб қўйган эди. У Ойбек қўлёзмаларини махсус буюртирилган 150та папкада губор кўндирмай сақлади ҳамда уларнинг барчасини Ойбек уй музейига ҳада қилди. Умрининг сўнгги йилларида "Ойбегим ме- нинг" номли китобини ёзиб қол- дирди. Бу билан у "Севги — буюк эзгулик" дегувчи улуғ адибнинг оилага ва инсонларга муҳаббати, ҳис-туйғуларини яна бир бор намоён этди.

Зарифаҳоним биринчи ўзбек рассом кизи, кимёгар олимаси, Ойбек домланинг илҳом пари- си, хонадонининг чироғи, ада- бий меросининг посбони, уй-му- зеининг ташкилотчиси ва яна узоқ таъриф-таъсифлаш мумкин бўлган инсон эди. У 78 ёшида вафот этди, ҳозир ҳаёт бўлган- да 90 ёшдан ошган бўларди.

Ойбек ва Зарифаҳоним. Бу иккала бахтли инсон ўзларининг фидойи ва нури умр йўллари поёнида ўлмас мерос — меҳр- муҳаббат, одамийлик, дўстлик, меҳнатсеварлик каби инсоний туйғуларнинг сўнмас гулдастаси- ни ва ўнлаб асарларини ёдгор қолдирдилар. Айниқса, бир-бир- ларига бўлган меҳр-муҳаббатла- ри инсонлар учун ибратлидир.

Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади

SALOMATLIK - TUMAN BOYLIK!

ХАЛҚ ТАБОБАТИ

МУМИЁ — қадим замон- лардан бери халқ табobatiда жуда кўп касалликларга даво сифатида ишлатилади. Лекин кўпчилик мумиёнинг шифо- бахшлик хусусияти тўғрисида тасаввурга эга эмас. Баъзи- лар мумиё фақат суюқ синган- да ишлатилади, холос, деб ўйлайдилар. Мумиё табиат- нинг бебаҳо кашфиёти, даво хусусиятлари қўлами жуда кенг табиий антибиотик ҳисобланади. Мумиё касал- ликни организмда ўзи топиб олади ва унга шифо бўлади. Унинг таркибиде 28та кимё- вий элемент, аминокислота, бир қатор дармондорилар эфир мойлари, асалари зах- ри, смоласимон моддалар бўлиб, у юздан ортиқ касал- ликка даводир. Абу Али ибн Сино ўз асарларида шундай ёзди: мумиёнинг даво хусу- сиятлари жуда кенг, яхши му- мие кўлде бир оз эзилса тез юмшади, ёмони қатиқтигича қолаверди. Мумиё астама касалида, қон туғлашда 0,2- 0,5 граммдан кунига 2 маҳал ичилади, даволаш мuddати 25-30 кун.

МУРЧ — халқ табobati-

да шамоллаш оқибатида йўталганда, бронхиал астма- га чалинганда, кўкрак огри- ганда, касаллик бошланаёт- ганда терлатувчи ва пешоб ҳайдовчи сифатида қўланил- ган. Абу Али ибн Синонинг ёзишича, мурчада тортиш, шимдириш ва тозалаш қува- ти бор. Агар асал билан қўшиб танглайга суртилса, томко огригига шифо бўлади ва ўпкани тозалайди. 300 граммали чойнакка бошқа шифобахш ўсимликдан ёки қора чойдан чорак чой қошиқ со- линади, 10-15 доня мурча ва 2 чой қошиқ асал солиб, қай- наб турган сув қуйилади- да, сочиққа ўраб қуйилади, 5-6 дақиқа дамлангандан сўнг ичилади. Асалсиз мурчининг ўзини дамлаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

BU — QIZIQ! СЕЗГИРЛИКДА ОХУДЕК

Америка фирмаларидан би- риде шундай бир асбоб ясал- дики, у сезгирликда ҳатто эҳти- ёткор оҳудан ҳам ўтиб тушади. Асбоб қулқоққа эшитилмайдиган товуш инфратўқинларини қабул қилиб, уларни эшитадиган товушга айлантириб беради. Масалан, асбоб 1,6 километр наридаги базорда эмаслаб кета- таётган одам чиқарган шитир- шитир товушни ҳам "пайқайди". Вази 3,6 килограмм келадиган бу аппарат ўта "камсукум". Унга чўнтак фонари батареясининг қуввати кифоя.

ХАНДАЛАР

Йигит анча пайт севғилисига ўз тақлифини айтишга уялиб юрди. Уйлай-уйлай охири телефон қилишга қарор қилди: — Алло, бу сениман Мэри. — Ҳа, менман. — Менга турмушга чиқишга розимисан? — Ҳа, албатта. Ким билан гаплашяпман?

Меҳмондорчиликдан қай- таётганда эр хотинига деди: — Седдингизми, меҳмон бўлганимиздан уларнинг боши осмонга этди. Чунки биз борганда улар жуда уйчан эдилар, қайтаётгани- мизда қувониб кетишди.

Юз ёшга тўлган парижлик қариқдан муҳбир Интернетге олди: — Узоқ яшаётганимиз- нинг сири нимада? — Бундан саксон йил му- қаддам полиция Ришел кўча- сида яшовчи заргарнинг қотилини топмаганилигиде, — деди қария.

Табриклаймиз! "Фаргона Телеком" филиали жамоаси корхона муҳандиси Гуломжон МАМАТҚУЛОВНИ ҳамда ҳисобчи-моялаштирувчи Алла ХАГАЙЛАРНИ 50 ёшга тўлишлари муносабати билан самимий қўтлайди. Уларга сўхат-саломатлик, узоқ умр, хонадонларига кут-барака, ишларида омад тилайди. Яққабог почта алоқа тармоғининг Ажирим алоқа бўлими бошлиғи, ҳурматли Абдумурод ҒАНИЕВ! Сизни 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин юракдан табриклайман. Сизга узоқ умр, келгуси ишларингизга ривож тилайман. Ҳашиша соғ- омон бўлинг! Абдураим БЕКТОШОВ

MUASSIS: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги. Бош муҳаррир: Орифжон МУХАММАДЖОНОВ. ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Шомансур ОБИДУЖАЕВ Миродия САНГИЛОВ Луғфило ТУРСУНОВ (масъул котиб) Раҳимжон ТУРГУНОВ Алишер ХУҲАЕВ Асрор ЭШОНХУҲАЕВ Рустам ҚОСИМОВ Солиқжон ҚОСИМОВ. Таҳририят келган қўлма ва суратлар эъланига қайтарилмайдн. Мухаллифларнинг фикрлари таҳрират фикрдан фарқланши мумкин. Нашрингдан кўчириб босилганда "Хабар"дан олганини кўрсатилиши шарт. Таҳрират материаллари — 1. Реқлама материалларининг тўртингига таҳрират жавобгар эмас. Реқлама ва даъваларнинг ҳақдонларига учун мақола муаллифи масъулдир. Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Манзил: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси. 17-уй. Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@infonet.uz. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 159-G сонли буюртма. Офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 9458 нусха. Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази. Саҳифаловчи: А. БУРИЕВ. Мати терувчи: Д. МАТҚУРБОНОВА. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигинде 042 рақам билан рўйхатга олинган. Газета таҳрират компьютер базасиде терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 20.00, Босишга топширилиш вақти — 20.00.